



Н.ТОШМАМАТОВ, А.ҚОДИРОВА,
А.НУРМАТОВ

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Амалий құлланма



Фарғона – 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОД ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

“Солиқ ва солиққа тортиш”
фанидан масалалар
тўплами ва уларни ечиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

**бакалавриатнинг барча ноиктисодий йўналишлари
талабалари учун**

ФарПИ услугбий кенгашида
тасдикланди. Баён № _____
_____ 2011 й.

ФАРГОНА-2011

«Солиқ ва солиққа тортиш» фанидан амалий машғулотларни ўтказиш ва мазкур машғулотларда топшириқларни бажаришга доир услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режасига биноан тайерланган.

Услубий қўлланма бакалавриатнинг барча ноиктисодий йуналишлари талабалари учун мўлжалланган. Ушбу қўлланмада келтирилган амалий машғулотлар, мисоллар ёрдамида талабалар «Солиқ ва солиққа тортиш» фанига доир мавзуларга мос бўлган харажатлар ҳисоби, уларнинг таркиби, солиқ ставкалари ҳисоби, маҳсулотга нарх белгилаш, материаллар ҳисоби кабилар билан танишадилар.

«Солиқ ва солиққа тортиш» бўйича назарий олинган билимлар амалий машғулот мисол ва масалалари орқали мустаҳкамланади.

Тузувчилар:

и.ф.н., доц. Н.Тошмаматов.

и.ф.н. А.Кадирова

катта ўқитувчи А.Нурматов

Тақризчи:

Тошпўлатов О. – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти

Ғанибоев И. – Фарғона солиқ коллеки бўлим бошлиғи

Услубий қўлланма кафедра йиғилишида кўриб чиқилди.

Баён № ____ «____» _____ 2011 й.

Факультет услубий комиссияси йиғилишида тасдиқланди.

Баён № ____ «____» _____ 2011 й.

1- Мавзу: ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИГИ

Саволлар

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи деганда нимани тушунасиз? ?
2. Юридик шахслар даромад Фойдасини таркиби қандай хужжатда кўрсатилган ?
3. Фойдага солиқни тўловчилар кимлар ?
4. Резидент ва норезидент тушунчаларини изохланг.
5. Солиқ обьекти ва солиқقا тортиладиган даромадларга нималар киради ?
6. фойда солиғи ставкалари тўғрисида тушунча беринг.
7. Қандай юридик шахслар фойда солиғидан тўлиқ озод этилади?
8. Қандай юридик шахслар фойда солиғидан вақтинчалик озод этилади ?
9. Солиқ ҳисобини тузиш ва солиқни тўлаш тартиби қандай ?
10. Икки ёқлама солиқ тўлаш деганда нимани тушунасиз ва уни тугатишнинг қандай йўлларини биласиз ?

АСОСИЙ АТАМАЛАР

Солиқ тўловчилар, солиқ солиш обьекти, солиқ бўйича имтиёзлар, молиявий натижани шакллантириш, маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, асосий фаолиятдан кўрилган фойда, хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), солиқ тўлангунгача олинган фойда , йилнинг соф фойдаси,солиқ солинадиган база, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби ва тўлаш муддатлари

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

Молия йилида солиқ солинадиган фойдага эга бўлган юридик шахслар фойдани тўловчилар ҳисобланади.

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЬЕКТИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва

сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ жами даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган, кўрсатилган Низомга иловаларда белгиланган харажатлар суммасига тузатишлар киритилган фойда солик обьекти ҳисобланади (банклар ва суғурта ташкилотлари ўз хусусиятларига эга)

СОЛИҚ БҮЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

- а) Баъзи юридик шахслар фойдани тўлашдан озод қилинади;
- б) Солик солинадиган фойда маълум суммага камайтирилади;

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- **маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда**, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннахси ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ЯФ=ССТ-ИТ,

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннахси;

- **асосий фаолиятдан кўрилган фойда**, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа заарлар сифатида аниқланади:

АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ,

бунда,

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;
ДХ-давр харажатлари;
БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар;

- **хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заар)**, бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус заарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ=АФФ+МД-МХ,$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;
МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- **солик тўлангунгача олинган фойда**, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус заар сифатида аниқланади:

$$СТФ=УФ+ФП-ФЗ,$$

бунда,

СТФ - солик тўлангунгача олинган фойда;
ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;
ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган заар;

- **йилнинг соғ фойдаси**, у солик тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ=СТФ-ДС-БС,$$

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солик;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

ФОЙДА БЎЙИЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗАНИ АНИҚЛАШ

Хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси бўйича солик солинадиган база қуидаги ҳисоблаб чиқарилади:

Даромад (фойда) и тўлангунгача бўлган омад (фойда) ёки заар плюс 1-иловада келтирилган бухгалтериядаги фойда билан солик солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар

плюс ёки минус 2-иловада келтирилган сарфланган харажатларни солик олинадиган базадан чегириб ташлаш вактидаги тафовутлар.

минус Қонунчиликка мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар

тeng бўлади - Даромад (фойда) и бўйича солик солинадиган база.

ИЗОҲ:

1-иловада ҳисбот давридаги соф фойдани ҳисоблаб чиқишида корхона даромадларидан чиқариб ташланадиган, бироқ солик ҳақидаги қонунларга мувофиқ даромад (фойда)дан олинадиган соликни ҳисоблаб чиқишида хўжалик юритувчи субъектнинг солик солинадиган базасига киритиладиган харажатлар моддалари келтирилган.

2-иловада улар пайдо бўлган пайтда солик солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ кейингиёки анча кейинги даврларда (вактдаги тафовут) чиқариб ташланадиган харажатлар рўйхати берилади.

СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ТҮЛАШ МУДДАТЛАРИ

№	Солиқ түловчилар	Топшириш муддатлари	Түлаш муддатлари
1.	Чорак давомида барча түловчилар (2-бандда күрсатылғанларидан ташқари.	Жорий чорак биринчи ойининг 5 кунига қадар	Жорий түловлар ҳар бир ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тенг улушлар билан, даромад (фойда) и чораклик суммасининг учдан бири миқдорида амалга оширилади
2.	Хисобот чорагида маҳсулотни сотищдан энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда даромад (фойда) олган корхоналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналар)	Чорак ва йиллик молиявий ҳисобот-ларни тақдим қилиш муддатларида	Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб беш кун давомида амалга оширилади

3.	Чет инвестициялари қатнашган корхоналар	Эл	Хар хисобот кейин ойнинг санасидан кечикмаган холда, йил бўйича эса - чорак ва йиллик молиявий хисоботларни тақдим қилиш муддатларида	чоракда оидан келувчи 25	Чораклик йиллик молиявий хисобот тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб беш кун давомида амалга oshiрилади	ва
----	--	----	--	-----------------------------------	---	----

Мисоллар

Фойда солиғини ҳисоблаш бўича услубий кўрсатмалар
1-мисол

Қуйидаги берилган кўрсаткичлардан фойдаланиб :

- , 1 . Фойда солиғини ҳисобланг.
- 2 .« Молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот» ни тўлдиринг
- 3 . Фойда солиғи ҳисоб- китобини тўлдиринг

T/p	Кўрсаткичлар	млн. сўм
1.	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	120,0
2.	Қўшилган қиймат солиғи	-
3.	Акциз солиғи	10,0
4.	Сотишдан олинган соф тушум	-
5.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	37,5
6.	Сотишдан тушган ялпи молияй натижа	-
7.	Сотиш харажатлари	1,1
8.	Маъмурий харажатлар	28,7

9.	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	1,2
10.	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий натижалари	-
11.	Дивиденdlар шаклидаги даромадлар	0,7
12.	Валюта курси фарқи	+0,8
13.	Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	-
14.	Фавқулотдаги фойда	0,4
15.	Солиқ тулагунга қадар молиявий натижа	-
16.	1- иловага мувофиқ солиқقا тортиладиган базага қайта қўшиладиган харажатлар	8,9
17.	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чикариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар	1,5
18.	Фойда солиғи	-

Ечиш:

Фойда солиғини ҳисоблашда “Ўзбекистон республикаси солиқ кодекси”дан , ”Юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА (янги таҳрирда)”дан , “Маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби тўғрисида” ги низомдан ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан, фойда солиғи ҳисоб- китобидан фойдаланиш лозим.

1. Фойда солиғини ҳисоблаш

$$1. \text{ККС} = 120\ 000 * 20\% / 120\% = 20\ 000 \text{ (минг сўм)}$$

$$2. \text{Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум} \\ = 120\ 000 - 20\ 000 - 10\ 000 = 90\ 000 \text{ (минг сўм)}$$

3. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа = $90\ 000 - 37\ 500$
= $52\ 500$ (минг сўм)

4 Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси = $52\ 500 - 1\ 100 - 28\ 700 + 1\ 200 = 21\ 500$ (минг сўм)

5. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси
= $21\ 500 + 700 + 800 = 23\ 000$ (минг сўм)

6. Даромад (фойда) ни тўлагунга қадар
фойда= $23\ 000 + 400 = 23\ 400$ (минг сўм)

7. Солиқ солинадиган даромад (фойда) = $23\ 700 + 8\ 900$

8. Фойда солиғи = $30\ 100 * 18\% / 100\% = 5418$ (минг сўм) - $1\ 500 - 700 = 30\ 100$ (минг сўм)

2. « Молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот» ни тулдириш.
(минг.сўм)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромад лар (фойда)	Харажат лар (зараrlа p)	Даромад лар (фойда)	Харажат лар (зараrlа p)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соғ тушум	010		x	90 000	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	x		x	37 500
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030			21 500	

Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:	040	x		x	29 800
Сотиш харажатлари	050	x		x	1 100
Маъмурий харажатлар	060	x		x	28 700
Бошқа операцион харажатлар	070	x		x	
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		x	1 200	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100			21 500	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110		x	1 500	x
Дивиденdlар шаклидаги даромадлар	120		x	700	x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		x	800	x

Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x		x	
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	x		x	
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x		x	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220			23 000	
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230			400	
Даромад (фойда) ини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240			23 400	
Фойда солиғи	250	x		x	5418
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260	x		x	

Ҳисобот даврининг соғ фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270			17 982	
---	-----	--	--	--------	--

Раҳбар
Бош бухгалтер

3. Фойда солиги ҳисоб-китобини тулдириш
Фойда ининг ҳисоб-китоби
200 йил учун
(минг.сўм)

№	Кўрсаткичлар	Сатр	Сумма
1.	Фойда и тўланишигача молиявий натижа	010	23 400
2.	Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга кўра солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатдар (1- илова)	020	8 900
3.	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чикариб ташланмайдиган харажатлар	030	
	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чикариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар	040	1 500
	Солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар	050	
4.	Акциялар ва бошқа қимматли қофозлар бўйича дивидентлар	060	700
5.	Солиқ солинадиган даромад (фойда)	070	30 100
6.	Солиқ қонунчилигига мувофик солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг камайиши	080	
7.	Имтиёзларни ҳисобга олганда солиқ солинадиган даромад (фойда)	090	30 100

8.	Фойда ининг белгиланган ставкаси	100	9 %
9.	Фойданинг тузатилган ставкаси	110	
10.	Бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси	120	5418
11	Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	130	
12	Муддат бўйича қўшимча ҳисоблаб ёзилди	140	5418
13	Камайтиришга	150	

2- мисол

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун фойда солиғини ҳисоблаш

Агар 1- мисолда келтирилган корхона ногиронлар меҳнатидан фойдаланса қуидагилар асосида имтиёзни ҳисобга олган солиқ сўммасини ҳисобланг ва ҳисоб - китобини тузинг. Ходимларнинг умумий сони – 100 киши, шу жумладан ногиронлар – 23 киши.

Ечиш:

“Солиқ кодекси”нинг 32-моддасига мувофиқ ишловчилари умумий сонининг уч фоизидан қўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуидаги тарзда: белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи бир фоиз камайтирилади.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун фойда солиғининг ҳисоб-китоби

1.	Ходимларнинг умумий сони	100 киши
	Шу жумладан ногиронлар	23 киши
2.	Ходимларнинг умумий сонида ногиронлар	23 фоиз
3.	Ишга жойлаштирилган ногиронларнинг	3 фоиз
4.	Белгиланган меъёрдан ошиш (23% - 3%)	20 фоиз

5.	Хисоблаб ёзилган солиқ сўммаси	5418 минг сўм
6.	Имтиёзни ҳисобга олганда солиқ сўммаси $100 - ((100 * 20) / 100)$ $(5418 - (5418 * 20\%) / 100\%)$	4496,4 минг сўм

3- мисол

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун фойда солиғи ставкалари ва суммасининг ҳисоб-китоби

Агар 1- мисолда келтирилган корхона истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхона бўлса қўйидагилар асосида имтиёзни ҳисобга олган даромад (фойда) солиғини ҳисобланг. ва ҳисоб - китобини тузинг. Махсулот сотишнинг умумий ҳажмида экспорт ҳажми – 90 000 минг сўм. Сотишнинг умумий ҳажмида истеъмол товарларини сотиш ҳажми -120 000 минг сўм

Ечиш:

Истеъмол товарларини сотишдан олинган фойда суммаси фойда солиғи ҳисоб-китобига маълумотнома асосида тўлдирилади.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспортининг улуши:

сотишнинг умумий ҳажмида 15 дан 30 фоизга қадарни ташкил этган экспортчи корхоналар учун фойда солиғининг белгиланган ставкаси 30% га пасайтирилади;

сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан зиёдни ташкил этса, фойда солиғининг белгиланган ставкаси 2 баравар камаяди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар учун истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан олинган фойда бўйича фойда солиғининг белгиланган ставкаси 20 фоизга пасайтирилади.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун фойда
солиғи ставкалари ва суммасининг ҳисоб-китоби**
(минг сўм)

Н	Кўрсаткичлар	2-вариант
1	Маҳсулот сотишнинг умумий ҳажми	120,0
	шу жумладан:	
2	Экспорт	90,0
3	Сотишнинг умумий ҳажмида экспортнинг улуси, % да (2-сатр/1- сатр x 100)	75,0
4	Сотишнинг умумий ҳажмида истеъмол товарларини сотиш ҳажми	120,0
5	Солик солинадиган даромад (фойда) (Даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	30,1
	Шу жумладан:	
5.1	Истеъмол товарларини сотишдан олинган даромад (фойда)	30,1
6	Даромад (фойда) солиғи ставкаси:	
6.1	Белгиланган ставка, % да	9
6.2	Экспортга тузатилган ставка, % да	4,5
6.3	Истеъмол товарларини сотишдан даромадларга солик солиш учун тузатилган ставка, % да	7,2
7	Бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси, жами (5-сатр - 5.1-сатр) x 6.2- сатр / 100) + (5.1-сатр x 6.3-сатр)/ 100)	2,2

7.1	Маълумот учун: Истеъмол товарларини сотишдан олинган даромад бўйича солиқ ставкасини пасайтириш ҳисобига корхона тасарруфида қоладиган, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390 сон қарорига мувофиқ мақсадли вазифаларга йўналтириладиган солиқ суммаси ((5-сатр x 6.2-сатр)/100) - 7-сатр).	0,5
-----	---	-----

4 -Мисол

Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиқقا тортиш

Қуйидаги берилганларга асосан дивиденд солиғини ҳисобланг ва ҳисоб – китобини тузинг.

Йил якунлари бўйича акциядорлик жамияти 2,6 млн сўм миқдорида соф фойда олди. Акциядорлар умуний йиғилишининг қарорига мувофиқ фойдани тақсимлаш қуийдагича амалга оширилади:

- муассис - юридик шахсларга 1.2 млн. сўм миқдорида дивиденdlар тўлашга;
- корхона муассис - ходимларига 845,3 минг сўм миқдорида дивиденdlар тўлашга;
- 554,7 минг сўм миқдорида резерв (захира) фондини шакллантиришга.

Ечиш:

Қимматли қоғозлар (давлат қимматли қоғозларидан ташқари) бўйича юридик ва жисмоний шахсларга дивиденд ва фоизлар сифатида тўланадиган даромадларга тўлов манбаида 10 фоизлик ставка бўйича солиқ солинади.

1. Акциядорлардан ушлаб қолинадиган дивиденdlар бўйича даромад солиғи

$$(529500+320500) * 15 \text{ фоиз} = 127500 \text{ сўм}$$

2. Дивиденд солиғи ҳисоб – китоби қуийдагича тузилади:

Дивидендлар ва фоизларнинг ҳисоб-китоби

200 ____ йил _____ учун

№	Кўрсаткичлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича	Солик инспекцияси маълумотлари бўйича
1	Хисоблаб ёзилган дивидендлар ва	850000	
2	Солик ставкаси	10%	
3	Бюджетга тўланган солик суммаси, жами	127500	

5 -Мисол

Корхона номинал қиймати 800 сўмлик 100та депозит сертификатини муомала муддати (уч ой) ўтгандан сўнг унинг қийматини тўлаши учун банкка тақдим этган, бунгача бу сертификатга йилига 36 фоиз ҳисобидан фоизлар ҳисобланган.

Акциядорлик жамиятининг акциялар бўйича ҳисоблаб чиқарилган дивидендлари 40 000 сўмни ташкил этди.

Юқоридагилар асосида:

а) банк томонидан ҳисобланадиган ва бюджетга ўтказиладиган даромад.(фойда) солиғини ҳисобланг.

б) акциядорлик жамияти томонидан ҳисобланадиган ва бюджетга ўтказиладиган фойда солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

1. Банк даромади ҳисобланади

$$800 * 100 * 36\% : 100\% : 4 = 7\,200 \text{ сўм}$$

2. а) банк томонидан бюджетга ўтказиладиган фойда солиғи ҳисобланади

$$7\,200 * 9\% : 100\% = 648 \text{ м. сўм}$$

б) акциядорлик жамияти томонидан бюджетга
 ўтказиладиган фойда солиғи ҳисобланади
 $40\ 000 * 9\% : 100\% = 36\ 00$ м. сўм

Мустақил иш учун

6-мисол

Қуийдаги берилган кўрсаткичлардан фойдаланиб :

- 1 . Фойда солиғини ҳисобланг.
- 2 .« Молиявий натижалар туғрисидаги ҳисбот» ни тўлдиринг
- 3 . Фойда солиғи ҳисоб- китобини тўлдиринг

T/p	Кўрсаткичлар	млн. сўм
1.	Маҳсулот сотищдан тушган тушум	165,0
2.	Кўшилган қиймат солиғи	-
3.	Акциз солиғи	17,0
4.	Сотищдан олинган соф тушум	-
5.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш тан нархи	50,4
6.	Сотищдан тушган ялпи молиявий натижа	-
7.	Сотиш харажатлари	0,8
8.	Маъмурий харажатлар	32,3
9.	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	5,4
10.	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий натижалари	-
11.	Дивиденdlар шаклидаги даромадлар	0,3
12.	Валюта курси фарқи	+2,3
13.	Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	-
14.	Фавқулотдаги фойда	-
15.	Солиқ тулагунга қадар молиявий натижа	-

16.	1- иловага мувофиқ солиқقا тортиладиган базага қайта қўшиладиган харажатлар	9,3
17.	Мазкур ҳисббот даври учун солиқ солинадиган базадан чикариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар	2,5
18.	Фойда солиғи	-

7 - Мисол

Агар 6- мисолда келтирилган корхона ногиронлар меҳнатидан фойдаланса қўйидагилар асосида имтиёзни ҳисобга олган солиқ сўммасини ҳисобланг ва ҳисоб - китобини тузинг. Ходимларнинг умумий сони – 200 киши, шу жумладан ногиронлар – 30 киши.

8 - Мисол

Агар 6- мисолда келтирилган корхона истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхона бўлса қўйидагилар асосида имтиёзни ҳисобга олган фойда солиғини ҳисобланг. ва ҳисоб - китобини тузинг. Маҳсулот сотишнинг умумий ҳажмида экспорт ҳажми – 70 000 минг сўм. Сотишнинг умумий ҳажмида истеъмол товарларини сотиш ҳажми -100 000 минг сўм

9 - Мисол

Агар 6- мисолда келтирилган корхона истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхона бўлса қўйидагилар асосида имтиёзни ҳисобга олган фойда солиғини ҳисобланг. ва ҳисоб - китобини тузинг. Маҳсулот сотишнинг умумий ҳажмида экспорт ҳажми – 20 000 минг сўм. Сотишнинг умумий ҳажмида истеъмол товарларини сотиш ҳажми -130 000 минг сўм

10 - Мисол

Ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг иккинчи йил фоалияти давомида 270,0 м.сўм солиқقا тортиладиган фойдага эга. Бундан ташкари ҳисббот даври давомида 25,0 м.сўм хокимиятга хомийлик ёрдами курсатилган. Асосий воситаларга меъёрларни

иккилантирилган коэффициент асосида 300,0 м.сўм амортизация ҳисобланган. Хайрия фондига 20,0 м.сўм ўтказилган.

Юкоридагилар асосида фойда солиғини ҳисобланг

11 - Мисол

Корхона ишлаб чикариш эхтиёжлари учун 10 000 минг сўмга асбоб ускуна сотиб олди. Асосий воситанинг жамғарилган эскириш сўммаси 5600 минг сўмни ташкил килган. Жорий йилда корхонанинг солиққа тортиладиган даромади –3800 минг сўмдан иборат. фойда солиғи ствкаси –9%.

Жорий йил учун фойда солиғини ҳисобланг .

12 -Мисол

Корхона ишлаб чикариш эхтиёжлари учун 10 000 минг сўмга асбоб- ускуна сотиб олди. Асосий воситанинг жамғарилган эскириш сўммаси 5 600 минг сўмни ташкил килган. Жорий йилда корхонанинг солиққа тортиладиган даромади –6 800 минг сўмдан иборат. Фойда сол. ставкаси –9%.

Жорий йил учун фойда солиғини ҳисобланг.

13 - Мисол

Киймати 100 000 сўм турадиган ва муомала муддати олти ойлик векселни биринчи корхона 70 000 сўмга сотиб олди ва уни икки ойдан сўнг 80 000 сўмга сотди. Векселни 80 000 сўмга сотиб олган иккинчи корхона эса муомала муддати ўтгандан сўнг унинг ҳақини тўлаши учун банкка топширди.

Юқоридагилар асосида ҳар икки корхона тўлаши лозим бўлган фойда солиғини ҳисобланг.

14 - Мисол

Корхона номинал қиймати 1000 сўмлик 50 та акцияни 60 000 сўмга сотиб олди ва уни кейинчалик 90 000 сўмга сотди. Корхона даромадидан солиқ ҳисобланг.

Иловалар

**Юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни
ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
Йўриқномага 4-илова**

Фойда солиғининг ҳисоб-китоби
200 ____ йил _____ учун

Н	Кўрсаткичлар	Сатр н.	Сумма
1.	Фойда солиғи тўланишигача молиявий	010	
2.	Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга	020	
3.	Мазкур хисбот даври учун солик солинадиган базадан чикариб	030	
	Мазкур хисбот даври учун солик солинадиган базадан чикариб ташланадиган,	040	
	Солик солинадиган базага киритиладиган	050	
4.	Акциялар ва бошқа қимматли қофозлар	060	
5.	Солик солинадиган даромад (фойда)	070	
6.	Солик қонунчилигига мувофик солик солинадиган фойданинг камайиши	080	
7.	Имтиёзларни хисобга олганда солик	090	
8.	Фойда солиғининг белгиланган ставкаси	100	%
9.	Фойда солиғининг тузатилган ставкаси	110	
10	Бюджетга тўланадиган фойда солиғи	120	
11	Бюджетга хисоблаб ёзилди	130	
12	Муддат бўйича қўшимча хисоблаб ёзилди	140	
13	Камайтиришга	150	

**Юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни
хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
Йўриқномага 5-илова**
Дивиденdlар ва фоизлар солигининг ҳисоб-китоби
200 _____ йил _____ учун

№	Кўрсаткич	Тўловчининг маълумотлари бўйича	Солиқ инспек. маълумотлари бўйича
1.	Хисоблаб ёзилган		
2.	Солиқ ставкаси		
3.	Бюджетга тўланган солиқ суммаси, жами		

2- Мавзу: ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИ
Назорат саволлари:

1. Кимлар ҚҚС тўловчилар хисобланадилар ?
2. ҚҚСда қандай имтиёзлар мавжуд?
3. ҚҚС бўйича қандай ставкалар ўрнатилган ?
4. Солиқ бўйича хисоб-китобларни топшириш тартибини айтиб беринг?
5. Солиқ ни тўлаш тартибини айтиб беринг?
6. Солиқ солиш обьекти қилиб нима белгиланган ?
7. Солиқ солинадиган айланмани аниқлаш қандай амалга оширилади?
8. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш тартибини тушунириинг.
9. Ҳисобварак-фактураларни тўлдириш тартиби қандай ?
10. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги нималардан иборат?
11. Солиқ органларининг назорати қандай амалга оширилади ?

Мисоллар:

1-мисол

**Қўйидаги берилганлар асосида қўшилган қиймат солиги
ҳисоб-китоби шаклини тўлдиринг :**

Йил бошидан бери келиб тушган хом ашё қиймати – 6 000 000 сўмни ташкил қилган, ундаги олинган ҳисобварак-фактуралар

бўйича ККС сўммаси 1 200 000 сўмни ташкил қилди. ККСга тортиладиган, юклаб жўнатилган хизматлар қиймати, жами 20 000 000 сўмни ташкил қилди;
ўтган давр учун ҳисоблаб ёзилган солиқ сўммаси 2 200 000 сўмни ташкил қилган.

Ечиш:

1. Юклаб жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар)
бўйича ККС

$$20\ 000 \times 20\% : 100\% = 4\ 000,0 \text{ (минг сўм)}$$

2. Солиқقا тортиладиган айланма

$$20\ 000,0 - 6\ 000,0 = 14\ 000,0 \text{ (минг сўм)}$$

3. Ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқилган қўшилган қиймат
солиғи сўммаси

$$14\ 000,0 \times 20\% : 100\% = 2\ 800,0 \text{ (минг сўм)}$$

4. Тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи сўммаси

$$2\ 800,0 - 2\ 200,0 = 600,0 \text{ (минг сўм)}$$

200 йил " " учун
(Ҳисобот даври)

**Қўшилган қиймат солиғининг
ХИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Айланма	ККС ставкаси	ККС сўммаси
1	2	3	4
1. Олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҳисбот даври учун ҳақиқатда келиб тушган, соликқа тортиладиган айланма учун фойдаланиладиган хом ашё, бутловчи буюмлар, ёқилғи, ишлар, хизматлар қиймати, шу жумладан импорт қилингандлари, ноль ставкаси бўйича айланма билан биргаликда - жами: - шу жумладан экспорт маҳсулоти бўйича соликқа тортиладиган айланма учун:	6 000,0	20%	1 200,0
2. Юклаб жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати – жами	20 000,0	20%	4 000,0
улардан: - қўшилган қиймат солиғи солинмайдиганлари (имтиёзлар бўйича маълумотнома илова қилинмоқда)			
Ноль даражали ставка бўйича солик солинадиган Шу жумладан олиб чиқилган экспорт бўйича			
- қўшилган қиймат солиғига амалдаги ставкалар бўйича тортиладиган			
3. Ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқилган қўшилган қиймат солиғи сўммаси (2-сатр - 1-сатр)	14 000,0	20%	2 800,0
4. Бюджетга ҳисбот ойида тўланган бўнак тўловлари сўммаси			

5. Бундан олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқилган қўшилган қиймат солиги сўммаси (бундан олдинги ҳисоб-китобнинг 3-сатри)			2 200,0
6. Тўланиши ёки камайтирилиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиги сўммаси			
а) қўшимча тўлашга			600,0
б) камайтиришга			

2-мисол

Қуйидаги берилаганлардан фойдаланиб ҚҚС ни туловчи “Садаф” ишлаб чиқариш корхонаси 2004 йилнинг 6 ойи мобайнида 10,0 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотди. Шу давр ичida сарф қилинган хом-ашё, материаллар ва ёқилғиларнинг хажми 4,8 млн.сўмни ташкил қиласди. Корхона 2004 йилнинг ярим йиллиги учун қанча миқдорда ҚҚСни тўлайди? Қўшилган қиймат солиғинингҳисоб-китобини тўлдиринг.

3-мисол

Қуйидаги берилганлар асосида Кўшилган киймат солиги бўйича имтиёздан фойдаланганлик тўгрисидаги Маълумотномани тўлдириш тартибини тушунтириб беринг.

200__ йил "___" _____ учун
(Ҳисобот даври)

**Күшилган киймат солиги бўйича
имтиёздан фойдаланганлик тўгрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

Кўрсаткичлар	Айлан ма	Ставк а	Хисобла н-ган солик сўммаси	Имтиёзни кўллаш учун асос	Имтиёзнин г амал килиш муддати
1	2	3	4	5	6
Кўшилган киймат солигидан озод этилган юклаб, жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) номи					
Масалан:					
Тиббий хизматлар	100,0	20%	20,0	Солик кодекси, 71-модда, 21-банд	доимий
Ёки					
Чигит экиш учун ПВХ плёнкасини ишлаб чиқариш учун гранулалар	300,0	20%	60,0	ЎзР ВМ 2003 йил 25 январдаги 44-сон карори	2003 йил январь ва февралда келтирилган

4 - мисол

Хусусий ишлаб чиқариш корхонаси 2010 йил 9 ойлик натижасига кўра, қуидаги кўрсаткичларга эришган:

- Сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) ҳажми ҚҚСиз - 88600,0 м.с
 - Сотиб олинган хом ашё ва унга тенглаштирилган материаллар қиймати ҚҚСиз – 62400,0 м.с.
- Берилганлардан фойдаланиб хусусий ишлаб чиқариш корхонасига 2010 йил 9 ойлиги учун ҚҚС ни хисобланг.

5 - мисол

Хусусий қурилиш фирмаси 2010 йил 6 ойлик натижасига кўра, қуйидаги кўрсаткичларга эришган:

1. Бажарилган ишлар ҳажми (Қ.Қ.С билан) – 54400,0 м.с
 2. Сотиб олинган хом ашё ва унга тенглаштирилган материаллар қиймати (ҚҚС билан) – 42100,0 м.с.
- Берилганлардан фойдаланиб хусусий қурилиш фирмасига 2010 йил 6 ойлиги учун ҚҚС ни хисобланг.

3- МАВЗУ: АКЦИЗ СОЛИГИ

Саволлар

1. Кимлар акциз солиғини тўлайди?
2. Республикаизда ишлаб чиқариладиган акциз солиғига тортиладиган қайси товарларни биласиз?
3. Акциз солиғи ставкаларини айтинг?
- 4..Акциз солиғи қандай хисобланади?
5. солиқ бўйича хисоботлар қачон топширилади ва солиқ қачон бюджетга тўланади?

Мисоллар

1-мисол

1. Қуйидаги берилганларга асосан таркибида этил спирти ҳажми 40% бўлган ароқقا акциз солиғи хисобланг.

Жорий ойнинг 1 декадасида 3000 дал, 2 – декадасида 4000 дал, 3 – декадасида 5000 дал ароқ сотилган. Солиқ ставкаси 2660 сўм қилиб белгиланган.

- 2.Акциз солиғи хисоб – китобини тўлдиринг.

Ечиш:

- Акциз солиғини ҳисоблаш :

1	Акциз солиғи ставкаси	2660
2	Ароқ таркибидаги спирт ҳажми (%)	40%
3	Ароқ бўйича 1 литр сувсиз этил спирти учун бюджетга ўtkaziladigan akciy soliғi summasi (sўm.)	2600

4	Ароқ бўйича 1 литр сувсиз этил спирти учун "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобрақамига жўнатиладиган акциз солиғи суммаси (сўм.)	60
5	Бюджетга ўтказиладиган акциз солиғи суммаси (1-сатр X 2-сатр / 100%) (1 литр ароқ учун сўм.)	1040
6	"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобрақамига жўнатиладиган акциз солиғи суммаси (1-сатр X 3-сатр / 100%) (1 литр ароқ учун сўм.)	24
7.	Хисобланган акциз солиғи суммаси: а) бюджетга - 1 – декада учун - 2 - декада учун - 3 – декада учун б) Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобрақамига - 1 – декада учун - 2 - декада учун - 3 – декада учун	31200000 41600000 52000000 720000 960000 1200000

2-мисол

Алкоголли махсулот бўйича акциз солиги суммаси хисоб-китобига
МИСОЛ (1 литр учун)

№	Кўрсаткичлар	Конъяк	Ароқ	Кувватлантирилмаган вино
1.	Тайёр махсулот таркибида бўлган спирт хажми (%)	42	40	
2.	Акциз солиги ставкаси			
a)	(сувсиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)	4 000,0	2 660,0	-
б)	(тайёр махсулотнинг 1 литрига сўмда)	-	-	273,9

3.	Хисоблаб ёзилган акциз солигининг суммаси			
a)	(1-сатр x 2а-сатр / 100) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	1 680,0	1 064,0	
б)	(2б-сатр) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	-	-	273,9

Масалан, 10 минг дал арок сотилганида акциз солигининг хисоблаб ёзилган суммаси (спирт бўйича акциз солигини хисобга киритмасдан) куйидаги микдорни ташкил этади: $1064 \times 100000 = 106,4$ млн сўм.

10 минг дал коняк сотилганида акциз солигининг хисоблаб ёзилган суммаси (спирт бўйича акциз солигини хисобга киритмасдан) куйидаги микдорни ташкил этади: $1 680 \times 100000 = 1680,0$ млн сўм.

10 минг дал кувватлантирилмаган пиво сотилганида акциз солигининг хисоблаб ёзилган суммаси куйидаги микдорни ташкил этади: $273,9 \times 100000 = 273,9$ млн сўм.

Алкоголли махсулот бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиги хисоб-китоби (1 литр учун)

Н		Коньяк	Арок	Кувват лан- тирилм аган вино
1.	Тайёр махсулот таркибида бўлган спирт хажми (%)	42	40	
2.	Акциз солиги ставкаси			
a)	(сувсиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)	4 000,0	2 660,0	-
б)	(тайёр махсулотнинг 1 литрига сўмда)	-	-	273,9
3.	Хисоблаб ёзилган акциз солигининг суммаси			
a)	(1-сатр x 2а-сатр / 100) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	1 680,0	1 064,0	
б)	(2б-сатр) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	-	-	273,9

4.	"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус хисобварагига йўналтириладиган акциз солигининг ставкаси			
a)	(сувсиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)	60,0	60,0	-
б)	(тайёр махсулотнинг 1 литрига сўмда)	-	-	12,0
5.	"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус хисобварагига йўналтириладиган акциз солигининг ставкаси			
a)	(1-сатр x 4a-сатр / 100) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	25,2	24,0	-
б)	(4б-сатр) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	-	-	12,0
6.	Бюджетга тўланадиган акциз солигининг суммаси			
a)	(За-сатр - 5a-сатр) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	1 654,8	1 040,0	-
б)	(3б-сатр - 5б-сатр) (тайёр махсулотнинг 1 литри учун сўмда)	-	-	261,9

3 – мисол

Алкоголли махсулот бўйича хисобга киритишга
МИСОЛ
(“Юбилей” ароги)

1.	Арок таркибидаги спиртнинг хажми (%)	40
2.	Арокка доир акциз солигининг ставкаси (сувсиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)	2 660
	а) шу жумладан "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус хисобварагига йўналтириладиган акциз солигининг суммаси	60
3.	Акциз солигининг суммаси: (1 дал арок учун сўмда)	
	а) тайёр махсулотга хисоблаб ёзилган (2-сатр x 1-сатр / 100*10)	10 640

	б) "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус хисобварагига йўналтирилладиган (2а-сатр x 1-сатр / 100*10)	240
4.	Этил спирти учун акциз солигининг ставкаси (1 дал спирт учун сўмда)	8 510
5.	Хисобга киритилладиган 1 дал тайёр махсулотни ишлаб чикириш учун фойдаланган спиртга доир акциз солигининг суммаси (4-сатр x 1-сатр / 100) (1 дал арок учун сўмда)	3 404
6.	Бюджетга тўланадиган арок бўйича акциз солигининг суммаси (За-сатр - Зб-сатр - 5-сатр) (1 дал тайёр махсулот учун сўмда)	6 996

Ставкалари фоизларда белгиланган акцизланадиган махсулот бўйича акциз солигининг хисоб-китоби

4 – мисол

Акциз солиги суммасининг хисоб-китоби учун акцизни ўз ичига оладиган нарх куйидаги формула бўйича аникланади:

$$O = (C \times 100) / 100 \text{ A},$$

бу ерда:

O - ККСиз акциз солигини ўз ичига оладиган нарх;

C - корхонанинг хисоб-китоб (улгуржи) нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри);

A - акциз солиги ставкаси.

Акциз солиги суммаси куйидаги формула бўйича аникланади:

$$O \times A / 100$$

1.	Махсулот бирлигининг таннархи	сўм	1 500,0
2.	Зарур фойда	сўм	100,0
3.	Махсулотнинг хисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр + 2-сатр)	сўм	1 600,0
4.	Акциз солиги ставкаси	%	20
5.	Акциз солиги билан махсулотнинг нархи (ККСиз) (3-сатр x 100) / (100 4-сатр)	сўм	2 000,0

6.	Акциз солигининг суммаси (5-сатр - 3-сатр)	сўм	400,0
----	--	-----	-------

5 – мисол

Ўсимлик (пахта) ёги бўйича бюджетга тўланадиган акциз
солигининг хисоб-китобига
МИСОЛ

1.	Корхонанинг хисоб-китоб (улгуржи) нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри)	сўм	162 049
2.	Акциз солигининг ставкаси:		
	а) умумбелгилangan ставка	%	79
	б) бюджетга тўланадиган соликни хисоблаб чиқариш учун ставка	%	77
3.	Акциз солигининг суммаси:		
	а) умумбелгилangan ставка бўйича хисоблаб чиқарилган (1-сатр x 2a-сатр / (100 2a-сатр)	сўм	609 613
	б) бюджетга тўланадиган (1-сатр. x 2б-сатр / (100 - 2б-сатр)	сўм	542 512
	в) маҳсус хисобваракка ўтказиладиган (3a-сатр - 3б-сатр)	сўм	67 101

6 - мисол

Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича акциз солиги ҳисоб-китобига МИСОЛ (ўсимлик (пахта) ёғи)

Акциз солиги суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун қуийдаги формула бўйича шартномавий (эркин) нарх (акциз билан) аниқланади.

$$O = (C \times 100) / 100-A,$$

Бунда:

O - ўз ичига акциз солигини олган шартномавий (эркин) нарх, КҚСсиз;

C - корхонанинг ҳисоб-китоб қиласидиган (улгуржи) нархи

(меъёрлар бўйича харажатлар ва фойда меъёри);

А - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$О \times А / 100$$

Маҳсулот бирлигига сўмда акциз солиғини
хисоб-китоб қилиш бўйича
ШАРТЛИ МИСОЛ

(акциз солиғи ставкаси 77% бўлган 1 т тозаланган
дезодорация қилинмаган ўсимлик ёғи мисолида)

1	Маҳсулот бирлигининг таннархи	84010,8 сўм
2	Зарурий фойда	21684,1 сўм
3	Хисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр + 2-сатр)	105694,9 сўм
4	Акциз солиғи қўшилган ҳолда маҳсулот нархи (ҚҚСиз) (3-сатр \times 100 / 100 - 77 акциз ставкаси).	459543 сўм
4 а	Шу жумладан, акциз солиғи суммаси	353848,1 сўм
5	Қўшилган қиймат солиғи	91909 сўм
6	Корхонанинг акциз ва ҚҚС билан бирга хисобланган шартномавий (эркин) нархи (4-сатр + 5-сатр)	551452 сўм

7 – мисол

“Туркистон” хиссадорлик жамияти машинада тўқиладиган акциз солиғига тортиладиган гилам маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Корхонанинг бир дона 2x3 метрли гилами меъёрий харажатлар ва фойда меъёрини хисобга олгандаги хисоб-китоб нархи 5400 сўмни ташкил қиласди. Корхона шу бир дона маҳсулот учун қанча миқдорда акциз солиғини тўлаши керак

8 – мисол

1. Куйидаги берилганларга аасосланиб ишлаб чиқарилаётган кирсовун учун акциз солигини хисобланг:
 - 1 дона сотилган кирсовун учун корхона харжатлари – 110 сум;

- б). Фойда нормаси- 25%
 в). Акциз солиги ставкаси – 20%
 2. Акциз солиги хисоб-китобини тузинг.

Ечиш:

- 1) $C = 110 + (110 \times 25\%) = 137,5$
 2) Солиққа тортиладиган оборотни аниқлаш

$$O = (100 \times 137,5) : 100 - 20 = 171,88$$

- 3) Акциз солиги суммаси
 4)

$$171,88 \times 20\% = 34,38$$

Акциз солиги хисоб - китоби

T/ р	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Микдори
1.	Махсулот бирлигининг таннархи	сўм	110
2.	Зарурий фойда	сўм	27,5
3.	Махсулотни хисоб баҳоси (1к+2к)	сўм	137,5
4.	Акциз солиги ставкаси	%	20
5.	Махсулотни акциз солиги билан биргалиқдаги нархи (ККС сиз)	сўм	171,88
6.	Акциз солиги суммаси	сўм	34,38

9 – мисол

Акциз солинадиган корхонада ой давомида махсулот қўйидаги муддатларда сотилган:

02. август – 100,0 м.с
 05. август – 120,0 м.с
 08. август - 240,0 м.с
 09. август – 185,0 м.с
 14. август – 340,0 м.с

- 18. август – 220,0 м.с
- 21. август – 140,0 м.с
- 23. август – 160,0 м.с
- 28. август – 250,0 м.с

Акциз солиги ставкаси – 40%

Юқоридагилардан фойдаланиб акциз солигни хисобланг ва бюджетга тўлаш муддатларини кўрсатинг.

4- Мавзу: ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН СОЛИҚЛАР ВА МАҲСУС ТЎЛОВЛАР

1. Кимлар ер қаъридан фойдаланувчиларучун солик тўлайди ва соликдан қандай имтиёзлар мавжуд?
2. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқни хисоблаш ва бюджетга утказиб тартибини айтиб беринг?

Солик тўловчилар

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қўйидагилардир:

ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар;

фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.

Солик солиш обьекти

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солик солиш обьектиdir. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали

компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади.

Солиқ солиш обьекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Углеводородлар учун солиқ солиш обьекти қуидагилардир:

саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган кавлаб олинган углеводородлар, шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги кавлаб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар.

Солиқ солинадиган база

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисбот даври учун ўртacha олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати солиқ солинадиган базадир.

1-мисол:

Навоий тоғ-кон металлургия комбинати 2010 йил ИИ-чораги давомида 200 тонна қўмир кавлаб олди. Маҳсулотнинг И-сҳоракдаги ўртacha олинган реализация қилиш баҳоси 1 кило учун 200 сўм. ИИ-чорак учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобланг.

2-мисол:

Ангрен тоғ-кон металлургия комбинати 2010 йил ИИ-чораги давомида 550 тонна нефт қазиб олди. Комбинат И-сҳоракда қазиб олган нефтнинг ўртасҳа олинган реализация қилиш баҳоси 1 тонна учун 750 000 сўм. ИИ-чорак учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобланг

5- Мавзу: СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

Солиқ түловчилар

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ түловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни ёки сув истеъмолини амалга оширувчи қуидаги шахслардир:

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари;
фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;
тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;
юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари.

Солиқ солиш обьекти

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш обьектидир.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига қуидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар киради.

Солиқ солинадиган база

Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир.

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ түловчилари бўлиб кимлар ҳисобланадилар?
2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш обьекти нима?
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун қандай солиқ ставкалари ўрнатилган?
4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

қандай имтиёзлар мавжуд ?

5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва тўлаш муддатларини тушунтириб беринг.
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни ҳисобга олиш тартиби қандай?

1 – мисол

Ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобот даври давомида Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиланган: 2564 куб.метр ер усти сув манбааларидан ва 976 куб.метрер ости сув манбааларидан. Юқоридагилардан фойдаланиб сув ресерсларидан фойдаланганлик учун соликни ҳисобланг ва ҳисоб – китобини тузинг.

Ечиш:

Ер усти сув манбаалари бўйича солик
 $2564 \times 490,4 = 12\ 573,9$ сўм

Ер ости сув манбаалари бўйича солик
 $976 \times 630,8 = 6\ 156,7$ сўм
жами: $12\ 573,9 + 6\ 156,7 = 18\ 730,8$ сўм

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик суммасининг ХИСОБ- КИТОБИ

200__ йил _____ учун

Кўрсаткичлар	Хажм					
	Юзадаги манбалар		Ер ости манбалари		Жами	
	Йил боши дан	Хисо бот чораги учун	Йил боши дан	Хисо бот чораги учун	Йил боши дан	Хисо бот чораги учун
1. Хисобот даври учун олинган сувнинг умумий хажми куб. м	2564	2564	976	976	3540	3540

2. Солик солинадиган базадан чикариладиган сув хамжи куб. м	-	-	-	-	-	-
Шу жумладан фойдаланиш турлари бўйича:	-	-	-	-	-	-
3. Хисобот даври учун солик солинадиган сув хажми (1-сатр 2-сатр) куб. м	2564	2564	976	976	3540	3540
4. 1 куб. м, учун солик ставкалари, тийин	490,4	490,4	630 ,8	630 ,8		
5. Хисобот даври учун тўланадиган солик суммаси сум	12 573,9	12 573,9	6 56, 7	6 56, 7	18 730,8	18 730,8
6. Хисобот даври учун бюджетга олдин тўланган солик суммаси						
7. Хисобот даври учун тўланиши керак	12 573,9	12 573,9	6 56, 7	6 56, 7	18 730,8	18 730,8

4. Кўйидагилардан фойдаланиб сув ресурсларидан фойдалангалик учун солиқни ҳисобланг:

“Сувоқава “ бирлашмасини маълумотига кўра корхонанинг водопровод тармоғига 75% ер ости 25% ер устидаги манбаалардан сув келиб тушади. Ушбу саноат корхонаси бир ойда 10000 куб метр сув ишлатган 2010 йилда.

Берилганлардан фойдаланиб корхонага 2010 йил учун сув солиғини ҳисобланг.

Хусусий корхона 2010 йил натижасига кўра ўз фаолиятида ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун 8860 м.3 сув ишлатган. Бу ишлатилган сувни 34% ни ер ости сувлари, қолган қисмини ер усти сувлари ташкил этган.

Берилганлардан фойдаланиб корхонага 2010 йил учун сув солиғини ҳисобланг.

6- Мавзу: ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Солик тўловчилар

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солик солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг норезидентлариdir.

Солик солиш обьекти

Қуйидаги мол-мулк солик солиш обьектидир:

- 1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;
- 2) номоддий активлар;
- 3) тугалланмаган қурилиш обьектлари. Тугалланмаган қурилиш обьектлари жумласига қурилиши шу обьект қурилишига доир лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган обьектлар киради;
- 4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар.

Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база қуидагилардир:

асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича - асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш обьектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

1.Корхонани йил бошига мол-мулкини қолдиқ қиймати 1 млн. сўмни ташкил қиласди. Корхона шу йилнинг 15 апрелида 500 минг сўмлик асосий воситаларни сотиб олди ва 10 июнда 200 минг сўмлик номоддий активларни ҳисобдан чиқарди.Корхона 1 ярим йиллик учун қанча миқдорда мол-мулк солиғини тўлаш керак?

2.Хусусий корхонани йил бошига мол-мулкини қолдиқ қиймати 10 млн. сўмни ташкил қиласди. Корхона шу йилнинг 25 марта 500 минг сўмлик асосий воситаларни сотди.

Берилганлардан фойдаланиб корхонага 2010 йил учун юридик шахслардан ундириладиган мол – мулк солиғини аниқланг.

3.Хусусий фирмани йил бошига мол-мулкини қолдиқ қиймати 8 млн. сўмни ташкил қиласди. Корхона шу йилнинг 20 июлида 2млн. сўмлик асосий воситаларни сотиб олди.

Берилганлардан фойдаланиб корхонага 2010 йил учун юридик шахслардан ундириладиган мол – мулк солиғини аниқланг.

7- Мавзу: ЕР СОЛИГИ ҲАМДА БОШҚА МАХАЛЛИЙ СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР

Фаргона вилоят хокимининг карорига асосан худудимизда амал килаётган соликларни айтиб беринг.

1. Вилоят хокимлиги томонидан жорий килинган соликларни хисоблаш ва тулаш тугрисида нималарни биласиз?
2. Кимлар ер солигини тулайди?
3. Ер солигидан кандай имттиёзлар бор?
4. Юридик шахслардан олинган ер соликини тулаш ва солик буйича хисоб-китобларни топшириш тартибини сўзлаб беринг?

Солик тўловчилар

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солигини тўловчиларидир.

Солик солиш объекти

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солик солиш объектидир.

Солик солинадиган база

Ер участкасининг солик солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солик солинадиган базадир.

- Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 марта 1118-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ер солигини хисоблаб чикариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўрикноманинг 30-бандига мувофик, алоҳида бинолар ёки хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилганида ер солигини балансида ушбу бино бўлган юридик шахс тўлайди. Ана шу тартиб жисмоний шахс мулки бўлган хоналар ижарага берилган ҳолларга ҳам татбик

этилади.

Шу тарика, агар хонани юридик ёки жисмоний шахсдан ижарага олинса, ер солигини ижарага берувчи тўлаши керак.

Агар шартнома шартларига кўра агентлик ўзи ер солигини тўлаши керак бўлса, юкорида кўрсатилган Йўрикноманинг 31-бандига мувофик, у тураржой эгаллаган умумий майдондан ва мазкур юридик шахс томонидан фойдаланиладиган хоналар ҳиссасидан келиб хисоблаб чиқарилади. Амалда ер солиги ставкаси каватлар сонига бўлинади ва олинган сўмма хоналар майдонига кўпайтирилади. Агар агентлик тураржой биносидан ташкарида участкага эга бўлса, ер солиги тўлиқ ставкадан келиб чиқиб тўланади.

1. Корхона Кўқон шахрининг 2 зonasida 0,5 га ер майдонига ,3 зonasida 0,3 га ер майдонига эга булса, канча микдорда 1 йилга солиқ тўлайди?
2. Корхона йил давомида 5млн.соф фойда олган. У канча микдорда ва кандай тартибда ижтимоий инфратузилмани бюджетга тулайди?
3. Агентлик 4 каватли бинода хонани ижарага олган. Ер солиги ҳисоб-китобида эгаллаган майдон каватлар сонига бўлинадими? Ёки бутун 4 кават учун ер солиги тўланиши керакми?
- 4.Корхона Фаргона шахрида ўз фаолиятини амалга оширади. Ер солигини ҳисоб – китобини амалга оширишда бу корхона 3- зонада жойлашган.
Берилганлардан фойдаланиб корхонага 2011 йил учун юридик шахслардан ундириладиган ер солигини ҳисобланг.
5. Ишлаб чиқариш корхонаси фойда солиги тўлангунга қадар фойдаси 18244,0 м.с ни ташкил этган.
Берилганлардан фойдаланибишлаб чиқариш корхонасига 2010 йил учун юридик шахслардан ундириладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини ҳисобланг.

8 - Мавзу: АЙРИМ ТОИФАДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1.Кимлар ягона солик тўловини тўловчилари ҳисобланади?
2. Ягона солик тўловини ставкалари тушунтириб беринг.
3. Ягона солик тўловини бўйича солиқни тўлаш ва хисоб-китобларни тақдим қилиш тартибини айтиб беринг.

Солик тўловчилар

Ягона солик тўловини тўловчилар қўйидагилардир:

- 1) микрофирмалар ва ва кичик корхоналар.
- 2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:
 - савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
 - лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар;
- 3) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) - якка тартибдаги тадбиркор

Солик солиш объекти

Ялпи тушум солик солиш объектидир.

Солик солинадиган база

Солик Кодексига мувофиқ қўйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солик солинадиган базадир:

- 1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;
- 2) тўлов манбаида солик солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;
- 3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари

ўртасида тақсимланганда илгари солик солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солик солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўtkазилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солик солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар;

7) тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар.

1. Хусусий савдо фирмаси январь, февраль ойида фаолият курсатмаган. Лекин у март ойида улгуржи савдо фаолият билан шугулланиб 15,8 млн. сўмга олинган товарни 18,2 млн. сўмга сотган. У қанча миқдорда ягона солик тўловини тулайди.

2. Қуйидагилар асосида соликқа тортиладиган ялпи даромадни аниқланг.

Ҳисобот даврида савдо фаолияти тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд.:

- реализация килинган товарларнинг харид ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарк – 21 547 минг сўм;

-хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун ундирилган ёки карздор тан олган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошка хил жазо чоралари, шунингдек етказилган заарларни коплаш бўйича даромадлар - 214 минг сўм;

- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси – 56 минг сўм;

- даъво қилиш муддати тугаган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар – 87 минг сўм;

- вақтинчалик молиявий ёрдам - 500 минг сўм;

- тўлаш манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд бўлган, дивиденdlар ва фоизлар кўринишида олинадиган даромадлар – 1258 минг сўм;
- мол-мулкни узок муддатли ижарага (лизингга) беришдан даромадлар – 623 минг сўм;
- баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромадлар
 - мусбат курс фарқлари – 278 минг сўм ;
 - манфий курс фарқлари - 345 минг сўм;

3. Қуийдаги берилганлар асосида умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқинг.

- реализация қилинган товарларнинг харид ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ – 6542 минг сўм;
- хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун ундирилган ёки қарздор тан олган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошка хил жазо чоралари, шунингдек етказилган заарларни қоплаш бўйича даромадлар – 280 минг сўм;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси – 97 минг сўм;
- даъво қилиш муддати тугаган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар – 35 минг сўм;
- товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш – 89 минг сўм;
- текинга молиявий ёрдам -250 минг сўм;
- акциялар бўйича дивиденdlар ва хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган облигациялар ва бошка қимматли жохозлар бўйича даромадлар – 876 минг сўм , шу жумладан тўлаш манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд бўлган дивиденdlар ва фоизлар кўринишида олинадиган даромадлар – 156 минг сўм;
- мол-мулкни узок муддатли ижарага (лизингга) беришдан даромадлар – 248 минг сўм;
- баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромадлар.
 - мусбат курс фарқлари – 778 минг сўм ;
 - манфий курс фарқлари - 445 минг сўм;

4. Қувасой шахрида жойлашган чакана савдо фирмаси 2010 йил 1

чорак натижасига кўра қўйидагича товар айланмасига эга бўлган – 24280,0 м.с.

Бу товар айланмани 38 % ини накд пулга сотилган товарлар айланмаси ташкил этади.

Берилганлардан фойдаланиб фирмага хисобот даври учун ягона солиқ тўловини хисобланг.

5. Қуқон шахрида жойлашган иқтисодиёт коллежи худудидаги ошхона 2010 йил 6 ойлик натижасига кўра қўйидагича товар айланмасига эга бўлган – 42100,0 м.с.

Бу товар айланмани 56 % ини накд пулга сотилган товарлар айланмаси ташкил этади.

Берилганлардан фойдаланиб фирмага хисобот даври учун ягона солиқ тўловини хисобланг.

6. Корхона бир ой давомида 12000 минг сўмлик махсулот олиб, 15000 минг сўмга сотган. У қанча ялпи даромад хосил қилган ва қанча миқдорда ягона солик тўловини тўлаш керак бўлади?

7. Ишлаб чиқариш корхонасида 15 киши ишлайди. Ушбу корхона чорак давомида 20 млн. сўмлик махсулотни сотган бўлса, қанча миқдорда ягона солиқни тўлайди?

9 - Мавзу: ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Саволлар

1. Кимлар жисмоний шахслардан олинадиган солиқни тўлайди ва солиқдан қандай имтиёзлар кўзда тутилган?
2. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқда қандай имтёзлар кўзда тутилган?
3. Солиқ ставкасини айтиб беринг?
4. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ бўйича хисобкитобларини топшириш ва солиқларни тўлаш тартибини тушунтириб беринг.
5. Жисмоний шахс томонидан даромад олиш вакти деб нимани хисоблаш мумкин? Масалан, даромад ўтган йилда хисоблаб ёзилган, лекин жорий йилда олинган.

- Ходим ишлаган ва бунинг учун унга даромад хисоблаб ёзилган ой жисмоний шахс томонидан даромад олиш вакти хисобланади.

6. Овкатланиш ва бориш-келишга корхона ходимлари оладиган даромадлардан соликлар ушланадими?

- Жисмоний шахслар даромадига солинадиган соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 марта 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофик иш берувчининг овкатланиш ва бориш-келишга доир харажатлари ходимнинг бевосита ёки билвосита даромади хисобланади, яъни улар ходимнинг ўзи тўлаши керак бўлган, лекин корхона томонидан тўланган харажатлардир. Хизматга оид бориб-келишлар учун фойдаланиладиган йўл карточкалари бундан мустасно. Бунда иши хизматга оид бориб-келишлар билан боғлик бўлган, улар учун ойлик йўл карточкалари харид килинадиган ходимларнинг рўйхати, уларнинг фаолият тури, карточкаларни харид килиш максади иш берувчининг тегишли буйруғи (фармойиши) билан белгиланади.

Мисоллар

мисол - 1

Корхона ходимига июнь ойи учун 80 000 сўм иш хаки хисоблаган.

Январ - июн ойлари учун жами даромад микдори 480 000 сўмни (80 000 + 80 000 + 80 000 + 80 000 + 80 000) ташкил килади.

Январ- май ойлари учун ушлаб колинган солик сўммаси 84 640 сўмни ташкил килди. Юкоридагиларга асосланиб июн ойи учун даромад солигини хисобланг.

Ечиш:

Бунинг учун қуидаги жадвалдан фойдаланилади:
 2011 январ ойи учун жисмоний шахслардан ундириладиган
 даромад солиги
ХИСОБ-КИТОБИ

Солик солинадиган даромад микдори	Солик микдори
$(5 \times 49735) = 248675$ сўмгача	даромад микдорининг 10 фоизи
248676 сўмдан $(10 \times$ $49735) = 497350$ сўмгача	$24867,5 + 248675$ сўмдан ортик микдорнинг 16 фоизи
497351 сўм ва ундан юкори	$64655,5 + 497350$ сўмдан ортик микдорнинг 22 фоизи

Ходимни иш хақидан январ ойида даромад солиги қуидаги тартибда ушлаб қолинади:

1. Январ ойида учун солик микдори аникланади (580000 сўм даромаддан):

$$64655,5 + (580000 - 497350) 82650 \times 22\% = 18183 \text{ сўм} \text{ (январ ойи учун солик микдори). } 64655,5 + 18183 = 82838,5 \text{ сўм.}$$

мисол - 2

Чернобиль АЭС фалокатида жабр кўрган корхона ходимига март ойи учун 370000 сўм иш хаки хисобланган. Январ-март ойлари учун жами даромад микдори 1110000 сўмни ($370000 + 370000$) ташкил қиласи.

Ечиш :

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 59-моддаси 2-бандига мувофик, имтиёзга эга бўлган фукароларнинг жами

даромадидан энг кам иш хакининг 4 баравари микдорида даромад сўммаси хар ойда чегириб ташланишини хисобга олсак, январ - май ойлари учун солик солинмайдиган жами даромад микдори

$$4 \times 49735 = 198940 \times 3 = 596820 \text{ сўмни ташкил қиласди.}$$

Январ- март ойлари учун солиқса тортиладиган даромад микдори 513180 сўмни ташкил қиласди. Солиқ суммаси $513180 \times 10\% = 51318$ сум.

мисол - 3

Куйидаги берилганлардан фойдаланиб жисмоний шахсларни меҳнатга хақ тўлаш шаклида олинган даромадидан солиқни хисобланг.

- a) Корхонада ишловчи фуқаро 2010 йилнинг январ ойида 260000 иш хақи хисобланган. Ушбу ишчининг даромад солиғи неча сўмни ташкил қиласди?
- б) Корхонада ишловчи фуқаро 2010 йилнинг 6 ойи мобайнида жами 1840000 сўм иш хақи хисобланган. Ушбу ишчининг 6 ойлик даромад солиғи неча сўмни ташкил қиласди?

мисол - 4

2 “Чевар” хиссадорлик жамиятида ишловчи фуқаро А. Рахмонов биринчи гурух ногирони бўлиб, 2010 йил мобайнида унга 2850 000 сўм иш хақи хисобланган. Ушбу фуқаро йил учун қанча микдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тулайди?

**2010 йил учун жисмоний шахслардан ундириладиган даромад
солиги
ХИСОБ-КИТОБИ**

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ миқдори
(6 x 494355) = 2966130 сўмгача	даромад миқдорининг 11фоизи
2966131 сўмдан 4943550 сўмгача	326274,3 + 2966130 сўмдан ортиқ миқдорнинг 17 фоизи
4943550 сўм ва ундан юқори	662435,7 + 4943550 сўмдан ортиқ миқдорнинг 22 фоизи

мисол - 5.

Имтиёзга эга бўлган корхона ходимига май ойи учун 350 000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Январь - май ойлари учун жами даромад 1 750 000 сўмни ($350\ 000 + 350\ 000 + 350\ 000 + 350\ 000 + 350\ 000$) ташкил қилган. Эслатма: бу ходим харбий хизматни Афғонистон республикасида ўтаган. Ушбу берилганларга асосан ходимга май ойи учун даромад солигини ҳисобланг.(январ- апрел ойларида 92400 сўм даромад солиғи ҳисобланган)

Мисол.

Куйидаги берилганларга асосан ходим даромадига солик ҳисобланг.(2010 йил учун)

- иш ҳақи - 1600000 сўм;
- таътил пули - 260000 сўм;
- моддий ёрдам пули - 150000 сўм;
- мукофот пули - 140000 сўм.

Услубий кўрсатма

Бу ҳолатда даромадга солинадиган солик қўйидагича хисобланади:

1) соликни умумбелгиланган тартибда даромаддан хисоблаб чиқамиз $2\ 150\ 000$ сўм ($1\ 600\ 000 + 260\ 000 + 150\ 000 + 140\ 000$).

Моддий ёрдам суммаси бир йил мобайнида энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда бўлганлиги сабабли умумий даромаддан $150\ 000$ сўм миқдорда олинган моддий ёрдам пулини айриб ташлаймиз:

$2\ 150\ 000 - 150\ 000 = 2\ 000\ 000$ сўм 2010 йил учун солик солинадиган даромад.

2010 йил учун солик суммасини аниқлаймиз:

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Солиқлар таърифини беринг?
2. Мажбурий тўловлар деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари кимлар?
4. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари деганда кимлар тушунилади?
5. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда нимани тушунасиз?
6. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари кимлар?
7. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг обекти нима?
8. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг солиқса тортиш базаси нима?
9. Юридик шахснинг жами даромадга нималар киради?
10. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар деганда нимани тушунасиз?
11. Юридик шахснинг бошқа даромадлари деганда нимани тушунасиз?
12. Моддий харажатларга нималар киради?
13. Мехнатга ҳақ тўлаш харажатларига нималар киради?
14. Амортизация харажатларига нималар киради?

15. Юридик шахснинг бошқа харажатларига нималар киради?
16. Келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатларига нималар киради?
17. Чегирилмайдиган харажатларга нималар киради?
18. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга осҳирадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
19. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлик бўлмаган даромадларига қандай тартибда солиқ солинади?
20. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қандай даромадлар киради?
21. Акциз солифини тўловчилар деганда нимани тушунасиз?
22. Қандай операцияларга акциз солиғи солинмайди?
23. Қўчма корхоналарнинг солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
24. Экспортга товарлар ишлаб чиқарувиларга акциз солиги бўйича солиқ солиша қандай имтиёзлар берилган?
25. Акциз солиғи тўловчилар қандай гурухларга бўлинади?
26. Акциз солифини солиққа тортиш обекти деганда нимани тушунасиз?
27. Акциз солифини базаси деганда нимани тушунасиз?
28. Акциз солиғи қандай тартибда ҳисоблаб чиқарилади?
29. Акциз солифининг ҳисоб китоби қайси муддатларда топширилади?
30. Акциз солифининг тўлаш муддати қачон?
31. Акциз солиғи ставкаси?
32. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ким томонидан тасдиқланади?
33. Акциз солифининг ставкалари қандай турларга бўлинади?
34. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантирисш солифини тўловчилар кимлар?
35. Ободонлштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солифини солиқ солиш обекти ва солиқ солинадиган базаси нима ҳисобланади?

- 36.** Балансида ижтимоий инфратузилма обектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан солиқ солинадиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
- 37.** Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар?
- 38.** Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг солиқ даври ва ҳисбот даври қачон?
- 39.** Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби қандай?
- 40.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар кимлар?
- 41.** Кимлар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлмайди?
- 42.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ солиш обекти нима?
- 43.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ солинадиган базаси нима?
- 44.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ставкалари 2010 йилда қанча?
- 45.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб сҳиқарилаётганда солиқ солинадиган база нималарнинг қийматига камайтирилади?
- 46.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан кимлар озод қилинади?
- 47.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ давриди қачон?
- 48.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисбот даври қачон?
- 49.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби қандай?
- 50.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби қачон?
- 51.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тартиби қачон?
- 52.** Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қачон тўлайдилар?

53. Ер усҳасткалари ижарага берилган тақдирда кимлар ер солигини тўловчилари бўлади?
54. Юридик шахслардан олинадиган ер солиги тўловчилари кимлар?
55. Кимлар Юридик шахслардан олинадиган ер солиги тўловчилари бўлмайди?
56. Юридик шахслардан олинадиган ер солигининг солик солинадиган база қачон камайтирилади?
57. Юридик шахслардан олинадиган ер солигининг солик солиш обекти нима?
58. Юридик шахслардан олинадиган ер солигининг солик солинадиган базаси нима?
59. Юридик шахслардан олинадиган ер солиги ставкаси қанча?
60. Юридик шахслардан олинадиган ер солигида кимларга икки баравар ставка бўйича солик солинади?
61. Юридик шахслардан олинадиган ер солигидан кимларга имтиёз берилади?
62. Солик солинмайдиган ер участкалари таркибига қандай ерлар киради?
63. Юридик шахслардан олинадиган ер солиги бўйича жорий тўловлар қачон тўланади?
64. Юридик шахслардан олинадиган ер солиги ҳисоб-китобларини топсхирисҳ муддатлари қачон?
65. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ исхлатганлик учун олинадиган соликни тўловчилар кимлар?
66. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик бўйича имтиёзлар?
67. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик бўйича солик солиш обекти ва солик солинадиган база?
68. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш тартиби, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш муддатлари?
69. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солифини тўловчилар деганда нимани тушунасиз?

70. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи бўйича қандай имтиёзлар белгиланган
71. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи тўловчилар қандай гурухларга бўлинади?
72. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғини солиқقا тортиш обекти деганда нимани тушунасиз?
73. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғини базаси деганда нимани тушунасиз?
74. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи қандай тартибда ҳисоблаб чиқарилади?
75. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи қайси муддатларда топширилади?
76. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи ставкаси?
77. Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва маҳсус тўловларни тўловчилар таркибига нималар киради?
78. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солиш обекти ва солиқ солинадиган базаси нима?
79. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибига кимлар ўтишга ҳақли?
80. Микрофирма ва кичик корхоналар қайси солиқларни тўлаши мумкин?
81. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибига ўтган корхоналар учун қайси солиқларнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинади?
82. Солиқ тўлаш тартибини ўзгартириш қандай амалга оширилади?
83. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибига кимлар ўтишга ҳақли?
84. Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлиб кимлар ҳисобланади?
85. Микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
86. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
87. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш деганда нимани тушунасиз?
88. Ягона солиқ тўловининг солиқ солиш обекти нима?

89. Ягона солиқ тўловининг солиқ солинадиган базаси нима?
90. Ялпи тушумга қандай ўзгартериш киритилади?
91. Солиқ бўйича қандай имтиёзлар берилган?
92. Солиқ даври ва ҳисобот даври қачон?
93. Ягона солиқ тўлови қандай ҳисоблаб чиқарилади?
94. Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва тўлаш тартиби қандай?
95. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига кимлар ўтишга ҳақли?
96. Кимлар ягона ер солифини тўловчилар бўлади?
97. Ягона ер солифини тўлаш тартибини қўллашнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
98. Ягона ер солифининг солиқ солиш обекти нима?
99. Ягона ер солифининг солиқ солинадиган базаси нима?
100. Ягона ер солифидан солиқ имтиёзларини гапириб беринг.
101. Ягона ер солифини ҳисоблаб чиқариш тартиби қандай?
102. Ягона ер солифи ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби ва муддатлари қандай?

ТЕСТЛАР

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солифининг обекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

1. Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тушуми.

2. Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг иш ҳақи фонди.

3. *Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси.

4. Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали

амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг харажатлари.

2. Корхонанинг жами даромадининг таркибиغا кирувчи даромад қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

1. *Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар.

2. Устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар.

3. Бюджетдан берилган субсидиялар.

4. Олинган грантлар.

3. Корхонанинг харажатлари таркибиغا кирувчи харажатлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, устав фондига берилган мол-мулк.

*Моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, амортизация харажатлари.

Моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ортиб жўнатилган маҳсулот.

Моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, акцияларнинг қиймати.

4. Қуйида кўрсатилган асосий воситалардан қайси бири амартизация қилинмайди.

Бинолар, иморатлар.

Енгил автомобиллар.

*Кутубхона фонди.

Кўп йиллик дов-дараҳтлар.

5. 2011 йил учун фойда солиғини ставкаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

4 фоиз.

6 фоиз.

8 фоиз.

*9 фоиз.

6. Тижорат банклари учун 2011 йил учун фойда солигини ставкаси қайси жавобда түгри кўрсатилган.

13 фоиз.

*15 фоиз.

17 фоиз.

20 фоиз.

7. Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисобкитоби давлат солиқ хизмати органларига қайси муддатларда тақдим этилади.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

*Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

8. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларни амалга ошириш муддати қайси жавобда түғри кўрсатилган.

*Ҳар ойнинг 15-кунига қадар йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида.

Ҳар ойнинг 20-кунига қадар йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида.

Ҳар ойнинг 25-кунига қадар йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида.

Ҳар ойнинг 5-кунига қадар йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир

қисми миқдорида.

9. Тўлов манбаида олинадиган солик қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Дивиденлардан фойда солиғи.
Мол-мулк солиғи.
Ер солиғи.
Ягона солик тўлови.

10. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар.
Нафақа олувчи жисмоний шахслар.
Икки ва ундан ортиқ ерда ишловчи жисмоний шахслар.
*Солик солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар.

11. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солик солиш обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган дивидентлари.

*Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари.

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган мулклари.

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан транспорт воситалари.

12. Жисмоний шахсларнинг жами даромади қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкий даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар, маҳсус кийим-бош.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкий даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар, хизмат сафарлари харажатлари.

*Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкий даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар, бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкий даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар, Мудофаа вазирлиги ҳисобварағига муқобил хизмат шартномаси бўйича ўтказиладиган маблағлар.

13. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига кирувчи даромад қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Мол-мulkни ижарага беришдан олинган даромадлар.

Иш ҳақи кўринишидаги даромадлар.

Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар.

Стипендиялар.

14. Жисмоний шахсларнинг солик солинмайдиган даромадлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Иш ҳақи кўринишидаги даромадлар.

*Олинган алиментлар.

Ўриндошлиқ асосида ишлаб олинган даромадлар.

Дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлиги учун тўланадиган ҳақ.

15. Жисмоний шахсларнинг солик солинмайдиган даромадлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлиги учун тўланадиган ҳақ.

Иш ҳақи кўринишидаги даромадлар.

*Давлат пенсиялари.

Ўриндошлиқ асосида ишлаб олинган даромадлар.

16. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан тўлиқ озод қилинган жисмоний шахс қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг

раҳбарлари.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги таркибиға кирувчи идораларнинг ходимлари.

Олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилари.

*Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирликларининг ҳарбий хизматчилари.

17. Жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинадиган жисмоний шахслар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги таркибиға кирувчи идораларнинг ходимлари.

Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари.

*Ўн ва ундан ортиқ боласи бор аёллар.

18. Мехнат шароити ўта заарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан солиқ олиш даражаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

13 фоиздан ошмаслиги лозим.

18 фоиздан ошмаслиги лозим.

*20 фоиздан ошмаслиги лозим.

25 фоиздан ошмаслиги лозим.

19. Солиқ агентлари ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш муддатлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар чорак ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан

кечиктиrmай, йил якуnlари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

*Хар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай, йил якуnlари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Хар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиrmай, йил якуnlари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

20. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қайси муддатларда тўланади.

Хар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай, йил якуnlари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

*Пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда.

Хар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктиrmай, йил якуnlари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Хар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктиrmай, йил якуnlари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

21. Солиқ тўловчилар жисмоний шахслар жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни давлат солиқ хизмати органига қайси муддатда тақдим этади.

*Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктиrmай.

Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 апрелидан кечиктиrmай.

Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 апрелидан кечиктиrmай.

Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 апрелидан кечиктиrmай.

22. Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қайси муддатда тўлайдилар.

*Үтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктиrmай.

Үтган солиқ давридан кейинги йилнинг 10 июнидан кечиктиrmай.

Үтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктиrmай.

Үтган солиқ давридан кейинги йилнинг 25 июнидан кечиктиrmай.

23. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Нотижорат ташкилотлари.

Ягона солиқ тўловини тўловчилари бўлган юридик шахслар.

*Солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлган юридик шахслар.

24. Қўшилган қиймат солиғини солиқ солиш обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Солиқ солинадиган оборот, солиқ солинадиган импорт.

Солиқ солинадиган даромад, солиқ солинадиган импорт.

Солиқ солинадиган мулк, солиқ солинадиган импорт.

Солиқ солинадиган ер, солиқ солинадиган импорт.

25. Қўшилган қиймат солиғини солиқ солиш базаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати, қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда.

Солиқ солинадиган даромад суммаси, солиқ солинадиган импорт суммаси.

Солиқ солинадиган мулк қиймати, солиқ солинадиган импорт суммаси.

Солиқ солинадиган ер хажми, солиқ солинадиган импорт суммаси.

26. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилган реализация қилиш оборотлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Сотилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати.

Асосий воситаларни сотилиши бўйича оборотлар.

Текинга берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати.

*Мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар.

27. 2011 йилда амал қилаётган қўшилган қиймат солигини ставкаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

10 фоиз.

15 фоиз.

*20 фоиз.

25 фоиз.

28. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан қўшилган қиймат солигининг ҳисоб-китобини тақдим етиш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар чорак ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда.

*Ҳар чорак ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда.

29. Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солигининг ҳисоб-китобини тақдим етиш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар ойда ҳисбот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса – йиллик

молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
*Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

30. Кўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
*Кўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш ҳисобкитобларини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай амалга оширилади.
Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

31. Акциз солиғи тўловчи юридик шахслар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) сотувчилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни ишлаб чиқарувчилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ва хизматларни кўрсатувчилар.

32. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан акциз солиғининг ҳисоб-китобини тақдим етиш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктиrmай.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиrmай.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктиrmай.

*Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай.

33. Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан акциз солиғининг ҳисоб-китобини тақдим етиш муддати қайси жавобда тўғри кўrсатилган.

Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиrmай.

Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктиrmай.

*Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай.

Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктиrmай.

34. Акциз солиғини бюджетга тўлов муддатлари қайси жавобда тўғри кўrсатилган.

Жорий ойнинг 10-20- ва келгуси ойнинг 1-кунидан кечиктиrmай.

*Жорий ойнинг 13-23- ва келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктиrmай.

Жорий ойнинг 15-25- ва келгуси ойнинг 5-кунидан кечиктиrmай.

Жорий ойнинг 20-25- ва келгуси ойнинг 5-кунидан кечиктиrmай.

35. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар.
Ер ости биноларидан фойдаланувчилар.
Махсулот ишлаб чиқарувчилар.
Фойда солиғи тўловиси бўлган юридик шахслар.

36. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар.
*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишини амалга оширувчи юридик шахслар.
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган нотижорат ташкилотлари.
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган фуқаролар.

37. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солиш обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ер ости бойликлари.
Ер ва мулклар.
*Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилдиган сув ресурслари солиқ солиш обьектиdir.
Нотижорат ташкилотлари томонидан фойдаланилган сув.

38. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар.
Ягона солиқ тўловчилари.
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган ерга эга бўлган юридик шахслар.
*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар.

39. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ солиш обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Асосий воситалар ва номоддий активлар.

Асосий воситалар ва тайёр маҳсулот.

Асосий воситалар ва ҳом-ашё материаллар.

Асосий воситалар ва пул маблағлари.

40. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига қайси муддатларда тақдим етилади.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирилмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирилмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

*Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирилмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирилмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

41. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ солиш обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, чорва хайвонлари, дараҳтлар, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш обьектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиralар, жисмоний шахсларни пул маблағлари, ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш обьектидир.

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиralар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш обьектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиralар, жисмоний шахсларни банклардаги омонат суммалари ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш

объектидир.

42. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлов муддатлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 15 июня қадар ва ҳисобот йилининг 15 декабря қадар.

Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 10 июня қадар ва ҳисобот йилининг 10 декабря қадар.

Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 5 июня қадар ва ҳисобот йилининг 5 декабря қадар.

Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 25 июня қадар ва ҳисобот йилининг 25 декабря қадар.

43. Юридик шахслардан олинадиган ер солиқни тўловчилар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловчилари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган ерга эга бўлган юридик шахслар.

*Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчилари дидир.

44. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлов муддатлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар teng улушларда амалга оширилади.

Йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 5-кунига қадар teng улушларда амалга оширилади.

Йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 10-кунига қадар teng улушларда амалга оширилади.

Йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 20-кунига қадар teng улушларда амалга оширилади.

45. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлариға қайси муддатда тақдим этилади.

Ҳисобот йилининг 10 февралялига қадар.

*Ҳисобот йилининг 15 февралялига қадар.

Ҳисобот йилининг 20 февралялига қадар.

Ҳисобот йилининг 25 февралялига қадар.

46. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг тўлов муддатлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 15 июня қадар ва ҳисобот йилининг 15 декабря қадар.

Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 10 июня қадар ва ҳисобот йилининг 10 декабря қадар.

Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 5 июня қадар ва ҳисобот йилининг 5 декабря қадар.

Бир йилда икки марта, ҳисобот йилининг 25 июня қадар ва ҳисобот йилининг 25 декабря қадар.

47. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини солиқ солиш обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Юридик шахсларнинг товар (иш, хизматларни) сотишдан тушган тушуми.

*Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда.

Юридик шахсларнинг даромади.

Юридик шахсларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфлаган харажатлари.

48. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органлариға қайси муддатларда тақдим этилади.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

*Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

49. Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни солиққа тортиш обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газни чакана реализацияси.

Жисмоний шахсларни транспорт воситаларини сотишдан тушган тушум.

Жисмоний шахслар уй жойларида фойдаланаётган газ.

Бензин, дизель ёнилғиси ва газни ишлаб чиқариш хажми.

50. Ягона ижтимоий тўловни обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Иш ҳақи тарзидаги даромадлар.

Пенсия тарзидаги даромадлар.

Мулк кўринишидаги даромадлар.

Товар (иш, хизматларни) сотишдан тушган тушум.

51. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китобини тақдим етиш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

*Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан

кечикирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

52. Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган тўловчилар томонидан ягона ижтимоий тўловнинг ҳисобитобини тақдим етиш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

1. *Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
2. Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
3. Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.
4. Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

53. Ягона ижтимоий тўловнинг тўлов муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

*Ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечикирмай.

Ҳар ойда, кейинги ойнинг 15-кунидан кечикирмай.

Ҳар ойда, кейинги ойнинг 20-кунидан кечикирмай.

Ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечикирмай.

54. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

1. Нотижорат ташкилотлар.
2. Ягона солиқ тўлови тўловчи юридик шахслар.

3. Жисмоний шахслар.
4. *Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари.

55. Ягона солиқ тўловини тўловчилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

1. Микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, нотижорат ташкилотлари.
2. *Микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.
3. Микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, ягона ер солиги тўловчилари.
4. Юридик шахслар.

56. Ягона солиқ тўловини обьекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ялпи тушум.
Фойда.
Харажат.
Олинган грантлар.

57. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китобини тақдим этиш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

*Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан

кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Ҳар чорак ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

59. Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган тўловчилар томонидан ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китобини тақдим етиш муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

*Ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

60. Ягона солиқ тўловининг тўлов муддати қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Ҳар ойда, кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай.

Ҳар ойда, кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай.

*Ҳисоб-китобларни тақдим етиш муддатида.

61. Ягона ер солиғини тўловчилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Юридик шахслар.

*Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари.

Ягона солиқ тўловчилари.

Нотижорат ташкилотлари.

62. Ягона ер солиғини солиқقا тортиш объекти қайси жавобда түғри күрсатылган.

*Қишлоқ хұжалигини юритиш учун әгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилған ер участкаси.

Ялпи тушум.

Товар (иш, хизматларни) сотиш хажми.

Фойда.

63. Ягона ер солиғининг ҳисоб-китобини тақдим етиш муддати қайси жавобда түғри күрсатылған.

*Жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Жорий солиқ даврининг 10 майигача тақдим этилади.

Жорий солиқ даврининг 15 майигача тақдим этилади.

Жорий солиқ даврининг 20 майигача тақдим этилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, ”Ўзбекистон”, 1995 й.
2. “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 29.08.1997 й., н 474-и
3. “Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорига 1-ИЛОВА.
4. Истеъмол товарлари ва болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек республикада ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини сотувчи улгуржи савдо корхоналари учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР МВ 53-сон, ЎзР ДСК 2003-43-сон 08.04.2003 й. Қарори билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 21.04.2003 й. 1235 сон билан рўйхатга олинган)
5. “Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” (ЎзР ВМ 05.02.1999 й. 54-сон Қарорига илова)
6. Саноатнинг кон қазиш тармоқлари айрим корхоналарининг юқори даромадига солиқ солиш тўғрисида (ЎзР ВМ 01.06.2004 й. 252-сон Қарори)
7. Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойихалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзР АВ 23.02.2004 й. 1315-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ 06.02.2004 й. 28-сон, ЎзР ДСК 2004-19-сон ва ЎзР ДБК 01-02/8-13-сон Қарори билан тасдиқланган)
8. Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўрикнома (янги таҳрирда). (ЎзР АВ 13.03.2002 й. 1109-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР МВ 14.01.2002 й. 15-сон ва ЎзР ДСК 2002-12-сон Қарори билан тасдиқланган)
9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 й. 25 декабр №ЎРҚ 136.
10. “Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларни даромад (фойда)ларини солиқка тортиш тартиби тўғрисидаги Йўрикнома (янги таҳрирда)” Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июндаги 87-сон Қарорига илова.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида . Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 28.12.2004 й. Н 610.

12. “Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиқса тортиш тартиби тўғрисида “ (ЎзР АВ 30.06.1998 й. 449-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР МВ 04-01-02/386-сон ,ЎзР ДСК 98/75 –сон ва ЎзР МБ 76-В Қарори билан тасдикланган).

13. Завалишина И.А. Налоги: теория и практика.Т.,”Мир экономики и права”, 2004 г., 512 с.

14. Ташмурадов Т. Солиқ назарияси ва тизими.Т., “Билим”,2004й.,320 бет.

15. Яхяев Қ. Солиқ назарияси ва амалиёти. Т., “” , 2000й., - бет.

